

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АТАЕВА РАНУША РАШИДОВНА**

**РУС ТИЛИДА КЎП ЧЎҚҚИЛИ СЎЗ ЯСАЛИШ УЯЛАРИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Филология фаялари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on philological  
Sciences**

**Атаева Рануша Рашидовна**

Рус тилида кўп чўққили сўз ясалиш уялари..... 3

**Атаева Рануша Рашидовна**

Поливершинные словообразовательные гнезда в русском языке..... 23

**Atayeva Ranusha Rashidovna**

Polynuclear derivational clusters in the Russian language..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АТАЕВА РАНУША РАШИДОВНА**

**РУС ТИЛИДА КЎП ЧЎҚҚИЛИ СЎЗ ЯСАЛИШ УЯЛАРИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАҶЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



**Тошкент – 2020**



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида синхрон сўз ясалишнинг турли нуктаи назарларини ўрганиш билан боғлиқ муаммолар, хусусан, сўз ясалиш уялари, уларнинг формал тузилишининг ҳар хил турларини синтагматик ва парадигматик жиҳатларини тавсиф этиш гоят долзарб ва зарур бўлиб келмоқда. Синхрон сўз ясалишнинг аҳамияти мавжуд сўз ясалиш даражаси бирликларини қайд қилиш ва улар ўртасида алоқа ўрнатишдан иборатдир. Мазкур тил ҳодисаси ривожланаётган тизим сифатида диахроник равишда ҳам ўрганилиши мумкин. Сўз ясалиш бевосита фонетик даражадан синтактик даражагача деярли барча лисоний даражалар билан боғлиқ ҳолда тараккий этиб, тил фондини бойитишда муҳим аҳамиятга эга бўлган, лексик сўз бойлигини оширишда алоҳида роль ўйнайди.

Дунё тилшунослигида танланган мавзунинг долзарблиги синхрон сўз ясалишнинг муҳим муаммоси бўлмиш ҳозирги замон рус тили лексикаси турли гуруҳларининг (турли сўз туркумларидаги сўзларнинг, лексик-семантик гуруҳларнинг, тематик гуруҳларнинг, ясама сўзларнинг ва ҳақозо) сўз ясалиш салоҳияти ва сўз ясалиш фаоллиги етарлича ўрганилмаганлиги билан ифодаланади. Шу нуктаи назардан ҳозирги замон тилшунослигида ҳозирги замон рус тилида кўп чўкчили сўз ясалиш уяларига етакчилик қилаётган лексик вариантларни сўз ясалиш салоҳиятининг турли аспектларини ўрганиш долзарб бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида турли соҳаларда, хусусан, таълим ва фан соҳасида, амалга оширилаётган ислохотлар даврида илмий изланишларнинг долзарблиги давлат сиёсати мақомига кўтарилмоқда. Дунё мамлакатлари билан узвий маданий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий алоқалар ўрнатиш тилларни, хусусан, рус тилини ўзига хос хусусиятларини ўрганишда, халқларни маданий ва этник ўхшашлигини билишда муҳим омилга айланмоқда. Ўзбекистон Республикасида тилларни ўрганиш бўйича халқаро таълим дастурларини амалга ошириш тилшунослик соҳасида илмий тадқиқотларни ўтказиш учун мустаҳкам база яратишга ёрдам беради. Илмий-тадқиқот ишларни рағбатлантириш ва илмий лойиҳалар соҳасида инновацион фаолиятни такомиллаштириш Ҳаракатлар стратегияси давлат дастурида устувор йўналишлардан бўлиб келмоқда, тилшуносликни янада ривожлантириш ва ушбу соҳада чуқур замонавий тадқиқотлар олиб бориш учун қўшимча имкониятлар яратмоқда.

Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 8 октябрдаги ПҚ-5847-сонли «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, шунингдек, мазкур соҳага

тегишли бошқа меъърий-хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғликлиги.** Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Аҳборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳукукий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Рус тилидаги сўз ясалиш комплекс бирликларини тавсифлаш муаммолари қатор нуқтаи назарлар билан боғлиқ: сўз ясалишнинг у ёки бу бирликларини комплекс бирликларига киритиш (Е.А. Земская, А.Н. Тихонов, В.Г. Головин, О.А. Дащенко, А.Д. Зверев, И.А. Цыбова, Р.С. Манучарян ва бошқалар)<sup>1</sup>; ясама сўзнинг мақоми (Е.С.Кубрякова, Д.У. Ашурова, В.Г. Фатхутдинова ва бошқалар)<sup>2</sup>; сўз ясалиш тури, сўз ясалиш категорияси, сўз ясалиш жуфтлиги, сўз ясалиш парадигмаси, сўз ясалиш занжири, сўз ясалиш уяси каби бирликларни интерпретацияси (А.А. Потебня, В.В. Лопатин, И.С. Улуханов, А.Н. Тихонов, Р.М. Гейгер; З.А. Харитончик, Е.С. Земская)<sup>3</sup>.

Ҳозирги замон тилшунослигида сўз ясалишнинг энг мураккаб комплекс бирлиги бўлмиш сўз ясалиш уясининг таърифи ва тузилиши бўйича турли ёндашувлар мавжуд: структуралистик ёндашув (Е.Л. Гинзбург, П.А. Соболева, В.И. Альтман, С.С. Белокриницкая ва бошқалар)<sup>4</sup>; формал-семантик ёндашув (О.М. Ким, Е.Н. Лисицына, А.М. Зализняк, Е.Ю. Кученева, С.А.Новичкова, Е.А. Земская, Д.С. Ворт, А.А. Лукашенец, А.С. Пардаев, Н.С. Трифонова,

<sup>1</sup> Земская Е.А. О комплексных единицах системы синхронного словообразования // Актуальные проблемы русского словообразования. – Ташкент: «Укитувчи», 1978. – Б. 29-35; Тихонов А.Н. Проблемы изучения комплексных единиц системы словообразования // Актуальные проблемы русского словообразования. – Ташкент: «Укитувчи», 1982. – Б. 3-18; Головин В.Г. Иерархия комплексных единиц словообразовательного гнезда // Актуальные проблемы русского словообразования. – Ташкент: «Укитувчи», 1985. – Б. 213-216; Дащенко О.А., Зверев А.Д. О соотношении комплексных единиц словообразования // Актуальные проблемы русского словообразования. – Ташкент: «Укитувчи», 1985. – Б. 47-53; Цыбова И.А. О соотношении комплексных единиц словообразования // Деривационные типы и гнезда в синхронии и диахронии. – Владивосток, 1989. – Б. 193-202; Манучарян Р.С. Значение деривационное и значение словообразовательное // Актуальные проблемы русского словообразования. – Ташкент: «Укитувчи», 1978. – Б. 12-15.

<sup>2</sup> Кубрякова Е.С. Типы языковых значений. Семантика производного слова. – М.: «Наука», 1981. – 200 б.; Ашурова Д.У. Производное слово в свете коммуникативной теории языка (стилистический аспект). – Ташкент: «Фан», 1991. – 100 с.; Фатхутдинова В.Г. Комплексные единицы словообразования в сопоставительном освещении (на материале русского и татарского языков) // Ученые записки Казанского государственного университета. Том 148, кн. 2 Гуманитарные науки, 2006. – Б.152 – 163.

<sup>3</sup> Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. – М.: «Учпедгиз», 1958. – 536 б.; Лопатин В.В., Улуханов И.С. Словообразовательный тип и способы словообразования // Русский язык в национальной школе. – 1969, №6. – Б. 4-10; Тихонов А.Н. Основные понятия русского словообразования. – М.: «Русский язык», 1985. – Б. 18-51; Гейгер Р.М. Единицы словообразовательной системы и типы языковых отношений в словообразовательном гнезде // Актуальные проблемы русского словообразования. – Самарканд, 1987. – Б. 305-309; Харитончик З.А. Адекватная словообразовательная парадигма // Словообразование и фразообразование. Тезисы докладов. – М.: «Высшая школа», 1979. – Б.112-118.

<sup>4</sup> Гинзбург Е.Л. Исследование гнезд сложных слов в русском языке на базе аппликативной порождающей модели // Проблемы структурной лингвистики. – М.: «МГУ», 1973. – Б.146-225; Соболева П.А., Альтман В.И., Белокриницкая С.С. и др. Построение словообразовательного словаря на основе аппликативной порождающей модели // Проблемы моделирования языка. – Тарту: Издательство Тартуского университета, 1969. Вып. 3. Ч. 2. Б. 183-192.

А.Н. Тихонов, Г.М. Ушакова, Е.В. Лукашевич, В.А. Коробейникова, М.Ю. Казак, С.В. Артюхова, Р.Я. Вельд, Р.Ф. Газизова, Н.С. Дмитриева)<sup>5</sup>; лексикографик ёндашув (И.А. Ширшов, Т.Ф. Ефремова)<sup>6</sup>; динамик (синхрон-диахроник) ёндашув (Е.Б. Кузьмина, А.В. Иванова, И.Д. Михайлова, Н.Н. Кондратьева, Д.А. Пелихов, О.Ю. Крючкова, Т.Н. Ходунова, О.И. Дмитриева)<sup>7</sup>.

Ҳозирги вақтгача рус тилининг кўп чўкчили сўз ясалиш уяларини формал-семантик тузилиши ва уларни лисоний тузилишидаги лексик ва сўз ясалиш даражаларини бир-бирига таъсири муаммоси вазиятида кўриб чиқиш тадқиқ қилинмаган.

<sup>5</sup> Земская Е.А. Об одной особенности соединения словообразовательных морфем в русском языке // Вопросы языкознания. – М.: "Наука", 1964, №2. – Б. 84-89; Ворп Д.С. Морфонология славянского словообразования // American contribution to the VII International congress of slavists. – 1. – The Hague. – Париж, 1973. – Б. 384-385; Зализняк А.М. Структурно-семантический анализ словообразовательного гнезда быть: Автореф. дисс... кандидата филол. наук. – М., 1967. – 25 б.; Лукашевич А.А. Словообразовательные гнезда и способы его описания // Актуальные проблемы русского словообразования. – Ташкент: «Укитувчи», 1980. – Б. 275-279; Пардаев А.С. Структурные типы антонимичных словообразовательных гнезд глаголов в современном русском языке // Актуальные проблемы русского словообразования. – Ташкент: «Укитувчи», 1982. – Б. 139-144; Вельд Р.Я., Газизова Р.Ф., Дмитриева Н.С. Синонимия сложно-суффиксальных существительных с глагольно-именной основой в языке XI-XIV вв. // Развитие синонимических отношений в истории языка: Материалы конференции. – Ижевск, 1982. – Ч. 2. – Б. 25-26; Лисицина Е.Н. Анализ словообразовательных гнезд с точки зрения мощности и глубины // Актуальные проблемы русского словообразования. – Ташкент: «Укитувчи», 1985. – Б. 130-131; Трифорова Н. С. Зависимость словообразовательного потенциала слова от его лексико-семантических характеристик (на материале английских и русских цветообозначений): автореф. дисс. ... кандидата филол. наук. – Саратов, 1986. – 20 б.; Ким О.М. К изучению семантической структуры словообразовательного гнезда // Актуальные проблемы русского словообразования. – Самарканд, 1987. – Б. 76-78; Тихонов А.Н., Пардаев А.С. Роль гнезд однокоренных слов в системной организации русской лексики (отраженная синонимия, отраженная омонимия, отраженная антонимия). – Ташкент: «Фан», 1989. – 139 б.; Ушакова Г.М. Словообразовательные гнезда существительных на -графия, -логия, -метрия в современном русском языке: Автореф. дисс... кандидата филол. наук. – М., 1997. – 17 б.; Лукашевич Е.В. Семантическая структура и словообразовательные возможности многозначного слова: (На примере ЛСВ со значением «учреждение») // Семантика и прагматика текста. – Барнаул, 1998. – Б. 106-111; Коробейникова В.А. Словообразовательные возможности пространственных прилагательных // Предложение и слово. – Саратов: Издательство Саратовского педагогического университета, 1999. – Б. 132-135; Кученева Е.Ю. Структурно-семантические отношения слов в словообразовательных гнездах междометий и звукоподражаний. – Уфа, 2000. – 16 б.; Казак М.Ю. Интегративная теория словообразовательного гнезда: грамматическое моделирование, количественные аспекты, потенциал, прогнозирование: Автореф. дисс... доктора филол. наук. – Белгород, 2004. – 39 б.; Новичкова С.А. Семантическое пространство словообразовательного гнезда: Автореф. дисс... д-ра филол. наук. – СПб., 2005. – 25 б.; Артюхова С.В. Словообразовательный потенциал глаголов с семой «Эмоция» в современном русском языке: Автореф. дисс... кандидата филол. наук. – Махачкала, 2005. – 24 б.

<sup>6</sup> Ширшов И.А. Теоретические проблемы гнездования. – М.: Прометей, 1999. – 236 б.; Ширшов И.А. Толковый словообразовательный словарь русского языка. – М.: «АСТ», 2004. – 1022 б.; Ефремова Т.Ф. // <https://efremova.slovaronline.com>.

<sup>7</sup> Кузьмина Е.Б. Словообразовательное гнездо с вершиной мереть: история и современное состояние. – М.: «Прометей», 1998. – 330 б.; Иванова А. В. Гнездо с вершиной -каз- как системно-структурное образование: автореф. дисс. ... кандидата филол. наук. – М.: «Высшая школа», 1999. – 16 б.; Михайлова И.Д. Словообразовательное гнездо с вершиной круг: Ставоление и современное состояние: Дисс. ... кандидата филол. наук. – М., 2001. – 401 б.; Кондратьева Н.Н. Словообразовательное гнездо с вершиной вода: История и современное состояние: Дисс. ... кандидата филол. наук. – М., 2005. – 309 б.; Пелихов Д.А. Эволюция корневых словообразовательных гнезд \*vъs-, \*jes-, \*sej- в истории русского языка в сопоставлении с украинским и белорусским: Автореф. дисс. ... кандидата филол. наук. – Челябинск, 2009. – 22 б.; Крючкова О. Ю. Семантико-когнитивный анализ словообразовательных гнезд с этимологическим корнем \*vold- / О. Ю. Крючкова // Динамика семантико-словообразовательных подсистем русского языка / под ред. О. И. Дмитриевой. – Саратов: «Научная книга», 2010. – Б. 64-86; Ходунова Т. Н. Словообразовательное гнездо с вершиной двигать: история и современное состояние: дисс. ... кандидата филол. наук. – М., 2010. – 310 б.; Дмитриева О. И. Диахрония, синхрония, динамика: проблема синхронно-диахронного исследования словообразовательных подсистем. Серия 2, Языкознание. – 2012. – № 2 (16). – Б. 42-46.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон Миллий университети рус филологияси кафедрасининг «Тил ва матнда тилдан ташқари воқеликнинг акс эттирилиши» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доirasида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳозирги замон рус тилидаги кўп чўққили сўз ясалиш уяларини пайдо бўлиши ва тузилиши қонуниятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кўп чўққили сўз ясалиш уяларини чўққиси сифатида чиқаётган формал лексик вариантлар турларини таснифлаш;

вариантли ва дифференциал чўққили сўз ясалиш уяларини идентификациялаш;

кўп чўққили сўз ясалиш уяси тузилишини ўзига хос хусусиятларини (сўз ясалиш усулларини, сўз ясалиш занжирларини, жуфтликларини ва парадигмаларини, сўз туркумлари таркибини, уянинг теранлиги ва қудратини) аниқлаш;

чўққининг лексик вариативлик тури ва кўп чўққили сўз ясалиш уясининг типологиясини ўзаро боғлиқлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида А.Н. Тихоновнинг «Словообразовательный словарь русского языка» лугатида формал лексик вариантлар бош сўзи бўлган рус тилидаги кўп чўққили сўз ясалиш уялари танланди.

Тадқиқотнинг предмети – ҳозирги замон рус тилидаги формал лексик вариантлар бош сўзи бўлган кўп чўққили сўз ясалиш уяларининг структуравий ўзига хослигидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда тавсифлаш, чоғиштирма, сўз ясалиш ва морфем таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

А.Н. Тихоновнинг «Рус тилининг сўз ясалиш лугати» (М.: Русский язык, 1985) материали асосида рус тилидаги кўп чўққили уяларнинг барча спектри ишлаб чиқилган ва таснифланган;

формал лексик вариантлар ва лисоний дифференциация бирликлари асосида кўп чўққили уялар идентификацияси аниқланган;

вариантли чўққилари бор кўп чўққили уяларнинг комбинацияланган ва комбинацияланмаган турлари далилланган;

ҳам синтагматик, ҳам парадигматик хусусиятга эга кўп чўққили сўз ясалиш уяларнинг структурал комплекс таҳлили ишлаб чиқилган;

кўп чўққили уялар таркибидаги симметрик, асимметрик, симметрик-асимметрик уяостилар тузилмалари таҳлили асосланган;

кўп чўққили уяларининг чўққиси ва типологияси формал вариантлигининг ўзаро шартланганлиги, рус тилидаги лексик ва сўз ясалиш вариативлиги ўртасидаги муносабатни аниқлашда асос бўлиши исботланган.



**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ҳозирги замон рус тилидаги кўп чўққили сўз ясалиш уяларининг структуравий ўзига хосликларини ўрганиш бўйича услубий тавсияномалар ишлаб чиқилди ва ўқув жараёнига киритилди;

тадқиқот натижалари ўқув жараёнига, ўқув дастурларга, услубий мажмуаларга, «Современный русский язык. Словообразование» фани бўйича ўқув қўлланмаларга киритилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий манбалардан олинган ёндашув ва усуллар, методлар ва маълумотларни қўлланганлиги, сўз ясалиш уяларининг структурал комплекс таҳлили асосланганлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуман материаллари, ОАК тасарруфидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда chop этилган мақолалар, таклиф ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Ушбу тадқиқотда ҳозирги замон рус тилини сўз ясалиш тизимининг қисмларидан бири – ҳар хил турдаги кўп чўққили сўз ясалиш уяларининг тўлиқ тавсифи берилган; рус тили сўз ясалиш ва лексик даражаларининг формал вариативлигининг бевосита ўзаро алоқадорлиги аниқланган; тадқиқот натижалари тилшуносликнинг рус тилидаги кўп чўққили сўз ясалиш уяларини пайдо бўлиши ва тузилиши қонуниятлари ҳақидаги илмий-назарий билимлар манбаини оширади; тадқиқотнинг тамойиллари ва услуби рус тилидаги сўз ясалиши ва вариологияси назарий асосларини бойитади ва келажакдаги илмий изланишлар базаси бўлиб хизмат қилади.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти олинган натижаларни махсус курс ва махсус семинарлар ишлаб чиқишда, «Современный русский язык. Словообразование» фани билан боғлиқ муаммолар бўйича дарслик, ўқув қўлланмалар тайёрлаш, тегишли йўналишлар бўйича талабалар, магистрантлар ва докторантлар учун факультатив машғулотларда фойдаланиш мумкинлиги билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кўп чўққили сўз ясалиш уялари вариантларини сўз ясалиш салоҳияти муаммоларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

психолингвистиканинг назарий масалалари доирасида, сўз қурилишининг психолингвистик тавсифи, сўз ясалишида нутқ хусусиятларининг ролини белгилаш, ўз ичига уяларни синтагматик ва парадигматик аспектлари тавсифини қамраб олган кўп чўққили сўз яшаш уяларининг матн психолингвистик тавсифини белгилашдаги ўрни каби масалалар ечими билан боғлиқ илмий хулосалар А-Г-39 «Ўзбек амалий психолингвистикасини яратиш дастурини ишлаб чиқиш» амалий лойиҳаси доирасида қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 январдаги 89-03-177-сон маълумотномаси). Натижада сўз яратилишида сўзловчи ва тингловчининг

рухий ҳолати, нутқ интирокчилари шахс хусусиятларининг ёрқин очиб берилиши масалалари илмий далиллар билан бойишига эришилган;

ҳозирги замон рус тилида кўп чўққили сўз ясалиш уяларини ҳосил қилиш қонуниятлари ва уларни ташкил этилишини аниқлаш бўйича олинган хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Рус маданий маркази томонидан ташкиллаштирилган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти рус тили ва адабиёти ўқитувчиларининг малакасини ошириш доирасидаги илмий семинарни ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Рус маданий марказининг 2019 йил 28 сентябрдаги 02-194-сон маълумотномаси). Натижада тингловчилар ҳозирги замон рус тили сўз ясалиш тизимининг қисмларидан бири – ҳар хил турдаги кўп чўққили сўз ясалиш уялари ҳақида умумий тасаввурга эга бўлган;

диссертациянинг материаллари ва илмий натижаларидан Андижон вилояти телерадиокомпанияси томонидан илмий-оммабоп «Муносабат» телекўрсатуви сценарий материалларини тайёрлашда фойдаланилган (Андижон вилояти телерадиокомпаниясининг 2019 йил 2 октябрдаги 20-21/65-сон маълумотномаси). Илмий иш натижалари телекўрсатувнинг илмий далилларга бой бўлишини таъминланган, тайёрланган материаллар янги қарашлар асосида мазмунан бойитилган, ҳамда мухлисларнинг мавзу ҳақида янги маълумотларга эга бўлишларига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида илмий маърузалар кўринишида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 1 та хорижий илмий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 116 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси баён қилиниб, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, напир этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Рус тилида турли даражадаги вариантларда ишлаш» деб номланган биринчи бобида вариантлик/инвариантлик тушунчалари билан боғлиқ бўлган асосий муаммолар баён этилган.

Вариантлик умуман тилнинг ва, хусусан, алоҳида тилларнинг фундаментал ва универсал хусусияти бўлиб, тилнинг алоҳида бирлиги ва умуман тил тизимининг мавжудлиги ва ишлаб туриши усулини таърифлайди.

Тил тизимида вариант ва инвариантнинг диалектик бирлиги ва таққослаб қўрилиши инвариантнинг ўз ичида кўплаб вариантлар хусусиятларини йиғиш, алоҳида олинган объект эмас, қандайдир мавҳум тушунча каби бор бўлмоқлиги, мураккаб, юқори даражада ривожланган тизимли ва тузилишли тузилмани белгиси бўлиш ва фақатгина умумий ва аҳамиятли хусусиятларига эга бўлган лингвистик объектларда қўлланиш хусусиятларига таянади.

Вариант/инвариант мавжудлигини тахмин қилади ва ўз ичига унинг мавжудлиги учун керакли шарт-шароит бўлган ўзгарувчанлик ва шу вақтни ўзида ўзгармасликни қамраб олади.

Шунингдек, бу ерда вариативлик тушунчаси билан бир бирига яқин бўлган баъзи бир тушунчаларни (вариативлик ~ синонимия, вариативлик ~ лисоний фарқланиш, вариативлик ~ супплетивизм) ўзаро боғлиқлиги ҳақида гап кетади. Бундан ташқари, бу ерда семантик вариантлашга яқин бўлган вариативлик ~ полисемия, вариативлик ~ омонимия каби бир-бирига яқин ҳодисаларга тавсиф берилган.

*Пергамен // пергамин // пергамент, фалбала // фалбара // фалбора, сагайдак // сайдак // саадак* каби вариантлар турлари ва *беретик – березняк, речонка – речушка*<sup>8</sup> каби сўз ясалиш синонимларнинг бир-биридан фарқлаш мезони сифатида турли сўз ясалиш тузилмалари ва сўз ясалиш формантлари бўлиб, улар сўзга янги маъно нозикликларини ва янги стилистик бўёқ беради.

Вариантлик ва лисоний фарқланишни бир-биридан ажратиш ўта муҳим муаммодир. Фарқланиш вариантликка нисбатан принципиал фарқларга эга: у икки шаклни номувозанатсизлик ва нозквивалентлигини тахмин қилади ва ўз ичига қўллаш соҳаси ёки стилистик бўёқлаш билан боғлиқ ҳодисаларни қамраб олади. Масалан, *город (нейтр.) – град (высок.), сквозь // скрозь (устар., обл.), голова – глава (устар.)*.

<sup>8</sup> <http://www.textologia.ru/slovari/lingvisticheskie-terminy/dubleti/?q=486&n=571>

«Вариантликка қарама-қарши қўйилган лисоний фарқлаш»<sup>9</sup> тушунчасини киритиш тўғри бўлар эди. Вариантлик тушунчасини бундай талкин қилинишида бу ҳолатни чегаралари аниқроқ бўлади, вариантларга киритиш мумкин бўлган сўзларни сони эса жиддий равишда чекланади. Шундай қилиб, стилистик фарқлар билан барабар юз бераётган формал тусли ўзгаришларни вариантлик ҳолатига киритиб бўлмайди, улар лисоний фарқланиш мисоли сифатида тасниф этилиши керак.

Ҳозирги замон тилшунослик фанида сўздаги у ёки бу модификацияларни сўзнинг лексик шаклларига (умумий ўзак мавжудлиги, лексико-семантик бирлиги мавжудлигида ички фарқланишлар борлиги, тилнинг синхрон кесимида формал лексик вариантларни бирга мавжуд бўлиши, уларни ягона лисоний тизимда ҳаракат қилиши) киритишга имкон берувчи аниқ ҳолатлар мавжуд. Кайд этилган ҳолатлар формал лексик вариантларни асосий белгиларини таърифлаб беришга имкон туғдиради.

Формал лексик вариантлар оғзаки ва ёзма нутқда старли юқори даражада қайта ишлаб чиқариш хусусиятига эга. Улар адабий кодланган тилда ҳам (*равендук // равентук*), шева нутқида ҳам (*церковь // церква* (диал.) ишлатилади, бирдай сўз ясалтиш ва морфологик тузилмага, грамматик ва лексик маънога эга.

Формал лексик вариантлар тилнинг синхрон кесимида лисоний фактлар сифатида кўрилади, яъни, муайян бир даврда лисоний тизимнинг у ёки бу эволюцион босқичида акс этиб, мавжуд бўлишади. Тахмин қилинаётган вариантларни шаклларида бири эскирганлигида, масалан, *сторож // страж* (*эск.*), *голос // глас* (*эск.*), *берег // брег* (*эск.*), синонимия ёки лисоний дифференциация ҳақида гапириш лозим. Лисоний дифференциация «сўзлашув тили» белги (*какао // какава, хотят – хочут, печешь – пекёшь, без пальто // без пальта*), «диалектал» белги (*ковать // кувать, клубника // глубника // колубника // голубника // клубница // кулубница*<sup>10</sup>), «эскирган» белги (*город // град*) бўйича ишлатилиши мумкин.

Формал лексик вариантлар у ёки бу шаклга контекстуал афзал кўришга сабаб йўқлигида, яъни гапирётган ёки ёзаётган томонидан вариант шакллари таллашни аниқлайдиган лингвистик характерга эга қандайдир аҳамиятли шарт йўқлигида ҳам тенг қийматлидир. Фақатгина вариантлардан бирини танлаётганининг соф индивидуал хусусиялари ҳақида гапириш мумкин. Бу иккинчи шаклни билмаслик, одат, индивидуал дид, қўллаш анъанаси бўлиши мумкин. Бундай вазиятда формал лексик вариантлар ҳақида социолингвистик нуқтаи назардан сўз юритиш лозим.

Вариантлаш ҳолати шунингдек социолингвистик нуқтаи назардан ҳам кўриб чиқилади. Тил эгаси томонидан у ёки бу вариант шаклини танлаш, биринчидан, ижтимоий ҳолатига (ёши, жинси, маълумоти, туғилган жойи),

<sup>9</sup> Шереметьева А.Г. Лексико-грамматическая вариантность в русском языке (синхронно-диакронический аспект): Дисс... докт. филолог. наук – Ташкент, 2001. – Б. 69.

<sup>10</sup> Мисоллар З.М. Богословскаянинг «Соответственность формального и лексико-семантического варьирования в языковой системе» ишидан олинган. // Вестник КеМГУ №4. Т.1. – Кемерово, 2013. – Б.142-144.

иккинчидан, нуткий мулокот шартларини ўзига хослигига (расмий/норасмий вазиятга) боғлиқ.

Формал лексик вариантлар ҳар бир инсонни индивидуал нутки фактлари эмас, умумлисоний қўллаш фактларидир. Уларнинг формал ва семантик ўхшашлиги барча тил эгаларига тушунарлидир. А.Г.Шереметьеванинг таъкидлашича, «бу жиҳатдан контекстда формал лексик вариантлашни интерпретацион ва семантик вариантлаш билан ўхшашликлари намоён бўлади. Контекстда ишлатилган сўз – кўплаб маъно берувчиларнинг аниқ варианты билан «умумий» маъно берувчининг элементларидан бирини бирлаштирувчи объектдир»<sup>11</sup>.

Формал лексик вариантлик лисоний тизимнинг ортикчалик каби хусусиятини намоёниш этади. Ортикчалик эксплицит ёки имплицит равишда битта маълумотни такроран (бир неча марта) етказишни тахмин қилади.

Шунингдек, вақт ўзагида вариантлар бир бирига жуда яқин жойлашганлиги билан таърифланувчи диахроник вариантлик тушунчаси ҳам мавжуд. «Бу ҳолатда синхрон вариантлар «ортикча» формал вариантлик доирасини яратиб, бир бирига қават-қават бўлиб қопланади. Муайян вақтдан сўнг диахроник вариантликнинг импульси «пасаяди» ва вариантларни бир вақтда мавжуд бўлиши шакллардан бирининг барқарор бўлиши билан тугайди: *зал // зала // зало > зал, кофе // кофей // кофий > кофе, принцип // прынцип // принцип*<sup>12</sup> > *принцип*. Ўша шаклни ўзида вариантликнинг импульси такрорий фаоллашиши ҳам мумкин: *кофе (он) // кофе (оно)*<sup>13</sup>» Формал лексик вариантлар оғзаки ва ёзма нутқда юқори даражадаги қайта ишлаб чиқариш хусусиятига эга; улар ўхшаш сўз ясалиш ва морфологик тузилмага, бир хил грамматик ва лексик маънога эга; тилнинг синхрон кесимида лисоний тизим ривожланишининг у ёки бу эволюцион босқичини акс этиб, лисоний фактлар сифатида кўрилади; гапирётган ёки ёзаётганининг у ёки бу шаклни афзал кўришида эквивалентдирлар; лисоний тизимнинг ортикчалик каби хусусиятини намоёниш этадилар.

Формал лексик вариантлар фонематик (*бриллиант // брильянт*), акцент (*Аир // айр*) ва лексик-морфологик (*рельс // рельса*) вариантларга таснифланади.

Лисоний вариантларни бир тарафдан, синонимларни, лисоний дифференциацияни, супплетивизмни бошқа тарафдан чегаралатиб турган асосий мезон сифатида лисоний объектнинг айнан ўхшашлигини сақлаш мезони («ўз-ўзига ўхшашлик») намоён бўлади.

Стилистик фарқларни ўзи билан олиб келадиган формал тусли ўзгаришлар лисоний дифференциация мисоллари сифатида тасниф қилинишлари керак.

<sup>11</sup> Шереметьева А.Г. Лексико-грамматическая вариантность в русском языке (синхронно-диахронический аспект): Дисс... докт. филолог. наук. – Ташкент, 2001. – Б.84.

<sup>12</sup> Пример В.В.Виноградова, иллюстрирующий вариантность в русском литературном языке 60-х годов XIX века.

<sup>13</sup> Шереметьева А.Г. Лексико-грамматическая вариантность в русском языке (синхронно-диахронический аспект): Дисс... докт. филолог. наук. – Ташкент, 2001. – Б.86.

Тил тизимида вариантларни мавжудлиги доимий эмас. Натижасида формал вариантлик дифференциация ёки синонимияга айланадиган ўзгаришлар ҳам бўлиши мумкин.

«Рус тилида лингвистик уя (вариалогик аспект)» деб номланган иккинчи бобда рус тили сўз ясалиш тизимини ишлаб туриши билан боғлиқ масалалар, хусусан, уялар типологияси, «сўз ясалиш уяси» атамасини турли талкинлари, сўз ясалиш уясини ўрганиш бўйича ёндашувлар, сўз ясалиш уяси хусусиятлари кўриб чиқилган.

Лексикани уяларга бўлиниш принциплари лисоний тизимнинг ҳам лексик, ҳам сўз ясалиш даражасида ўз ифодасини топаётган рус тилининг типологик аҳамиятга эга хусусиятидир.

Уяларга бўлиниш турли асослар бўйича фарқланади: 1) умумий лексик ва семантик вариантлар бўйича (семантик уя)<sup>14</sup>; 2) маънонинг умумийлиги бўйича (лексик уя)<sup>15</sup>; 3) кетма-кет (синхрон) ҳосил қилиш муносабатлари билан боғлиқ бўлган бир ўзакли сўзлар мажмуи бўйича (сўз ясалиш уяси)<sup>16</sup>; 4) лугатдаги мақолада лексикографик ва сўз ясалиш ҳақидаги маълумотлар бирикмалари бўйича (изохли сўз ясалиш уяси)<sup>17</sup>; 5) тикланган қадимий славян ўзагидан пайдо бўлган бир ўзакли сўзлар мажмуи бўйича (масалан, \*VOLDЪ – владеть), хронологик кетма-кетликда барча компонентлар ясама уялар сўз ясалиш тузилиши ўзгарганлиги сабабли сўзлашаётганлар томонидан фахмланмаган турли сўз ясалиш қарашлар тизими бўйича (*братъ – собирать – сбор – собор – забор – беременная*) (этимологик уя)<sup>18</sup>.

Шундай қилиб, ҳозирги замон рус тилида уяларнинг қўйидаги турлари мавжуд: семантик, лексик, сўз ясалиш, изохли сўз ясалиш, этимологик. Қайд этилган ҳар бир тур ўз тузилмаси ва мазмунига эга тизимли ҳосилдир.

Сўз ясалиш уяси тушунчаси, унинг ҳам формал, ҳам семантик тузилишининг ўзига хосликлари, сўз ясалиш уясининг таърифи ва тузилишига турли ёндашувлар сўз ясалиш алоҳида фан сифатида пайдо бўлиш даврида (XX асрнинг 70-80-йилларида) ҳам<sup>19</sup>, сўз ясалиш жараёнлари когнитология ва

<sup>14</sup> Гинзбург Е.Л. Словообразование и синтаксис. – М.: «Наука», 1979. – 223 б.

<sup>15</sup> Там же. – Б.72.

<sup>16</sup> Тихонов А.Н. Основные понятия русского словообразования / А.Н. Тихонов // Словообразовательный словарь русского языка. Т. 1. – М.: «Русский язык», 1985. – Б. 18-51.

<sup>17</sup> Шаршов И.А. Толковый словообразовательный словарь русского языка. – М.: «АСТ», 2004. – 1022 б.

<sup>18</sup> Варбот Ж.Ж., Журавлев А.Ф. Краткий понятийно-терминологический справочник по этимологии и исторической лексикологии. – Российская академия наук, Институт русского языка им. В.В. Виноградова РАН, Этимология и история слов русского языка 1998 // [http://dic.academic.ru/dic.nsf/etymology\\_terms/118](http://dic.academic.ru/dic.nsf/etymology_terms/118).

<sup>19</sup> Соболева П.А. Моделирование словообразования // Проблемы структурной лингвистики. – М., 1971. – Б. 165-212; Тихонов А.Н. Формально-семантические отношения слов в словообразовательном гнезде: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М.: «Наука», 1974. – 35 б.; Гинзбург Е.Л. Словообразовании и синтаксис. – М.: «Либроком», 2010. – 264 б.; Земская Е.А. О некоторых нерешённых вопросах теории синхронного словообразования // Всесоюзная научная конференция по теоретическим вопросам языкознания. 11-16 ноября 1974 г.: Тезисы докладов и сообщений. – М., 1974. – Б. 45-47; Кубрякова Е.С., Соболева П.А. О понятии парадигмы в формообразовании и словообразовании // Лингвистика и поэтика. – М.: «Наука», 1979. – Б. 5-23; Лоскутин В.В., Улуханов И.С. Словообразовательный тип и способы словообразования // Русский язык в национальной школе. – 1969. – №6. – Б. 4-10.

лингвокультурология таъсири остида кўриб чиқилаётган сўнги 30 йил ичида ҳам<sup>20</sup> рус тилшунослик фанининг ўрганиш предмети бўлиб келмоқда.

Сўз ясашиш фанида ҳали кўплаб ҳал қилинмаган муаммолар борлиги сўз ясашиш уяси каби кўп ўлчамли ҳолатга қизиқиш ортиб бораётганига сабаб бўлиб келмоқда. Гап сўз ясашиш маъносини, ясама сўзнинг асосланишини аниқлаш, тилнинг сўз ясашиш даражаси асосий бирлигини белгилаш муаммолари ҳақида кетмоқда. Шунингдек, лисоний тизимнинг сўз ясашиш ва бошқа (лексик, морфологик, синтактик) сатҳлари изоморфизмини таърифлаш муаммолари ечилмаган<sup>21</sup>. Ҳозирги замон рус тилида содир бўлаётган сўз ясашиш жараёнлари уларни идентификациялаш ва ўрганишни талаб этмоқда. Сўз ясашиш уяларини уларнинг тузилиши ва мазмуни нуктаи назаридан комплекс ўрганиш масалалари ҳозирги замон рус тилининг сўз ясашиш тизимини таърифлашда уяли ёндашув қўлланилаётганлиги сабабли юзага келмоқда (П.А.Соболева, Е.С.Кубрякова, Е.А.Земская, Е.Л.Гинзбург, А.Н.Тихонов ва бошқалар). У лисоний тизимнинг сўз ясашиш сатҳини сўз ясашиш уялари мажмуи сифатида таърифлашни тақозо этмоқда. Бу нафақат уяни умуман ёки конкрет уяни, балки тадқиқот воситаси сифатида таърифлаш учун ҳам лозимдир. Уяли ёндашув сўз ясашиш фанидаги ҳосила қилиш йўналиши, у ёки бу сўз ясашиш формантларининг унумдорлиги, уларнинг вариативлиги, сўз тузилишининг икки (сўз ясашиш ва морфем) турининг ўзаро нисбати, сўз ясашишининг асосланишлари кўплиги каби қатор муаммоли масалаларни ечимига яқинлашишга имкон беради<sup>22</sup>.

Ҳозирги замон тилшунослик фанида мавжуд бўлган сўз ясашиш уяси ҳақидаги таърифлар турлидир, чунки умуман сўз ясашиш тизими ва, хусусан, сўз ясашиш уясини ўрганиш бўйича ёндашувлар бир-биридан фарқланади. Ёндашувларнинг фарқланиши (структуралистик, формал-семантик, лексико-график, динамик) сўз ясашиш уяси қандай тузилганлиги ва тадқиқотчининг диққат марказида нима турганлигини тушуниш турлича эканлиги сабабли юзага келган.

Сўз ясашиш уяси барча компонентлари уянинг чўққиси бўлган сўз билан муайян тарзда ўзаро муносабатда бўлган лисоний birlikдир. Уя чўққиларининг сони нуктаи назаридан стандарт уялар (валить, дом, новый), кўп чўққили уялар (ноль // нуль; бивак // бивуак; браман // брамин // брахман), чўққиси амалга

<sup>20</sup> Боярская Е.Л. Некоторые особенности механизма порождения производных значений полисемантика // Когнитивно-прагматические аспекты лингвистических исследований. – Калининград, 1999. – Б. 49-55; Буткова Л.О. Природа семантической деривации: когнитивный аспект // Семантическая деривация и ее взаимодействие с морфемой. – Омск, 2003. – Б. 20-35; Евсева И. В. Словообразовательный тип: когнитивное моделирование // Вестник Красноярского государственного педагогического университета им. В. П. Астафьева. Т. Гуманитарные и естественные науки, 2011. – № 3 (17) / Краснояр. гос. пед. ун-т им. В. П. Астафьева. – Красноярск, 2011. – Б. 70-75; Петрухина Е.В. Когнитивные аспекты изучения производного слова в славянских языках // The Slavic and East European Language Resource Center 2002// [https://slaviccenters.duke.edu/sites/slaviccenters.duke.edu/files/media\\_items\\_files/3petrukhina.original.pdf](https://slaviccenters.duke.edu/sites/slaviccenters.duke.edu/files/media_items_files/3petrukhina.original.pdf), Пономарева Е. А. Фреймное моделирование лексико-словообразовательных гнезд с вершинами – значениями семантических объектов (на материале русского языка): Дисс. ... кандидата филол. наук. – Красноярск, 2017. – 310 б.

<sup>21</sup> Земская Е.А. О явлениях морфемного шва в русском словообразовании // Исследования по славянской филологии. – М., 1974. – Б. 101-102.

<sup>22</sup> Тихонов А.Н., Тихонова Е.Н. Проблемы составления гнездового толкового словаря русского языка // Актуальные проблемы русского словообразования. Материалы VII Международной научной конференции, посвященной 70-летию профессора А.Н. Тихонова. – Елец, 2001. – Б. 12-17.

оширилмаган уялар (*хитить // хлцать*) мавжуд<sup>23</sup>. Чўққиси қайси сўз туркумига тегишлигига қараб сўз ясалиш уялари субстантив, адъектив, феълли, равишли, ундовли бўлади.

Сўз ясалиш уяси маъносининг компоненти умумий бўлган бир-бирига боғлиқ сўзларни бирлаштиради. «Асосий» лексик маъноларнинг моддий ифодаловчиси – бу сўз ясалиш уясини кенгайтирувчи асоси бўлмиш сўз ўзагидир.

Сўз ясалиш уяси ифодалаш ва мазмун режасига, яъни, формал ва мазмуний томонларга эга бирликдир. Сўз ясалиш уяси тизимли тузилма, юқори даражада тузилган лисоний birlikдир. Унда икки ўзак мавжуддир: вертикал (сўз ясалиш парадигмалари) ва горизонтал (сўз ясалиш занжирлари), ҳар ясама (ҳосила) сўз эса муайян жойни эгаллайди<sup>24</sup>. Горизонтал ўзақда ясама сўзнинг боғланиб туриши уни асос қилиб олинган сўздан узоқлигига боғлиқ, вертикал ўзақда эса ҳосил килувчи сўз қаерда жойлашганлигига боғлиқ.

Сўз ясалиш уяси «ядровий периферик тузилмани» намоён этади<sup>25</sup>. Унинг доирасида тегишли сўз ясалиш салоҳияти ва сўз ясалиш фаоллигига эга бўлган дастлабки сўз ва тўлик сўз туркумлари тўпламига эга бўлган унинг парадигмаси ядро вазифасини бажаради, унинг перифериясини эса суств сўз ясалиш салоҳияти ва сўз ясалиш фаоллигига эга бўлган ясама сўзлар ташкил этади.

Қайд этилган муносабатлар турлари (парадигматик, синтагматик, иерархик ва ядровий-периферик) лисоний тизимнинг бошқа (лексик, морфологик, синтактик) соҳаларида ҳам учрайди. Бу сўз ясалиш уяси ва қайд этилган тилнинг тизимости изоморфизми ҳақида далолат беради.

Сўз ясалиш уяси ифодаланиш режаси ва мазмун (шакл ва мазмун) режасининг муайян асимметрияси билан таърифланади. У қатор конуний белгилар билан ифодаланади: бир уя доирасида бир хил сўз ясалиш маъноли керагидан ортиқ сонда ясама сўзлар (*новъØ, нов-изна, нов-ина; ходØ, ходъ-ба; клохта-нье, клохта-није*), лақуналар, яъни, тизим бўйича мўлжалланган ясама сўзнинг йўқлиги билан (*синий – синить, серый – ясама сўз йўқ*), кўп чўққили сўз ясалиш уяларида ҳам шу ходиса мавжуд (*чабр-ең (чебр-ең), халиф-ат (қалиф-ат), несусветн-о (несосветн-о)*, аммо *клоктун (клохт-ун йўқ), квоч-ка (квош-ка йўқ)*; «ҳаракат-ҳаракат») каби турдаги (*ходить - ход*), «белги-белги» каби турдаги (*белый – бель, новый - новъ*) транспозицион муносабатлар мавжудлиги билан. Шундай қилиб, сўз ясалиш уясининг семантик тузилиши уни формал тузилишини симметрик равишда қопламайди.

Сўз ясалиш уяси икки томонли лисоний birlik сифатида уяси таркибида янги ясама сўз пайдо бўлиши билан чегараси ўзгарадиган барқарор бўлмаган тузилмадир.

<sup>23</sup> Известное в древнерусском языке в форме *хлцати* 'хлцать, похлцать', куда входят производные *похлцать, похлцение, расхлцать* и др. слова.

<sup>24</sup> Гридасова А.В. Словообразовательное гнездо как системно-категориальная организация однокоренных слов // Научно-технические ведомости СПбГПУ, 2011. – Б. 220-225.

<sup>25</sup> Попова А.Р. К вопросу об изоморфизме словообразовательного гнезда и лексико-семантической системы (на примере словообразовательного гнезда с вершиной рука) // Известия ВГПУ, 2009. – Б. 70-74.



Сўз ясалиш уяларини чўққиси бўлиб намоён бўлаётган лексик вариантлар стилистик нейтрал (*акант – аканф, бриллиант – брильянт, голавль – головль, бытие – бытиё*) бўлиши мумкин, шунингдек, турли стилистик бўёққа эга бўлиши мумкин (*золото – злато (эскирган), голос – глас (эскирган), ворота – врата (эскирган), дерево – древо (эскирган), пугать – пужать (эскирган)*). Шунга мувофиқ кўп чўққили сўз ясалиш уяларини кенг ва тор тушунишлари ҳақида гап юритиш мумкин. Кўп чўққили сўз ясалиш уяси деб *валериана // валерьяна, акант // аканф, бриллиант // брильянт, голавль // головль, бытие // бытиё* каби турдаги стилистик нейтрал лексик вариантлар чўққиси бўлган уя аталади. Ушбу вариантлар бир уя ёки тузилиши бўйича бир-бирига тенг маъноли бўлган икки уяостини шакллантиради. Бундай уяларнинг чўққилари график томондан сўз ясалиш уясида бир сатҳда туради.

Кенг маънода эса биз кўп чўққили сўз ясалиш уяси деб чўққиси сифатида дифференциал шакллар намоён бўлаётган уяни атаймиз. Ушбу дифференциал шакллар стилистик тарафдан *золото // злато (эскирган), сквозь // скрозь (эскирган)* каби фарқлидир, тузилиши тарафдан бир-бирига нисбатан тенг маъноли бўлган бир уя ёки икки уяостини шакллантиради. Кўп чўққили сўз ясалиш уялари рус тили сўз ясалишининг ўзига хос хусусияти бўлиб, рус тили лексикасининг уяли принципини намоён этади. Бу эса лисоний тизимнинг сўз ясалиш сатҳини ўзига хос ривожланганлигидан далолат беради.

Кўп чўққили уялар чўққисининг вариативлик хусусиятига қараб, (акцентик (*тво'рог // твoрo'г*), фонематик (*бобр // бoбёр*), лексик-морфологик (*арабеска // арабeск*), акцентик-лексик-морфологик (*кАпсула // кАпсЮля, крАтер // кратЕра*), акцентик-фонематик (*пергАмен // пергамЕнт // пергамИн*)), шунингдек, уяостиларини таркиби ва формал-семантик тузилишига қараб, (симметрик (*валерьяна//валериана*), асимметрик (*алгоритм//алгoрифм*), қопланганлар (*гeоргин//гeоргина*)) тавсифланади.

Комбинацияланганлар:

- акцентик, фонематик
- лексик-морфологик

Комбинацияланмаганлар

- акцентик-фонематик
- акцентик-лексик-морфологик

Уяостиларнинг таркиби ва формал-семантик тузилишига қараб, қайд этилган турларнинг қуйидаги комбинациялари бўлиши мумкин:

Комбинацияланмаганлар

- симметрик (фонематик ва лексик-морфологик уялар билан)
- асимметрик (фонематик ва лексик-морфологик уялар билан)
- қопланганлар (фонематик, акцентик ва лексик-морфологик уялар билан)

Комбинацияланганлар †

- симметрик-асимметрик (фонематик уялар билан)

«Рус тилидаги кўп чўккили сўз ясалиш уяларининг ўзига хос тузилиши» деб номланган учинчи бобда қайд этилган турдаги уяларни ўзига хос тузилиши кўриб чиқилган.

Рус тилидаги кўп чўккили сўз ясалиш уяларидаги асимметрия уларни тузилишидаги асосий хусусиятлардан бири бўлиб, турли хоссаларга эгадир. У уя тузилиши сатҳида намоён бўлади: иккинчиси нолга тенг бўлган икки уяостили уялар; ясама сўзни ўз ичига қамраб олган турли сўз ясалиш тузилмали икки уяостили уялар; турли ва бир хил сўз ясалиш тузилмали ясама сўзни ўз ичига қамраб олган икки уяостили уялар. Бир турости ичида уяостиларни формал тузилиши турлича бўлиши мумкин.

Тадқиқ қилинаётган уяларнинг чўккилари – бу отлар (90%), феъллар (7%), сифатлар, ундовлар, тақлидий сўзлар (3%) ва битта равиш.

Нолга тенг уяостили асимметрик турдаги кўп чўккили сўз ясалиш уяларида ҳам бинар, ҳам полинар (уч, тўрт, беш компонентли) сўз ясалиш занжирлари учраб туради. Ушбу уялар учун хос бўлган сўз туркумли моделлар қуйидагилардир: N – N, N – A, N – V, N – A – Adv, N – A – N, N – V – V, N – V – N, N – N – A, N – N – N, N – V – V – N, N – V – V – V, N – V – V – V – V, ундов – N, тақлидий сўз – V, ундов – V – V, ундов – V – V – V, ундов // тақлидий сўз – V – N, ундов – V – N. Иккала уяостисида ясама сўз бор уяларда эса уч, тўрт, беш компонентли занжир мавжудлигида уларда бинарлилар устун келади: N – N, N – A, A – Adv, V – N, V – V, V – A, N – V, V – A – N, N – A – Adv, V – V – V, V – V – V – N, V – V – V – V, V – V – N – N, N – N – A – N, V – V – A – Adv, V – V – V – N – N, V – V – V – сифатдош – N.

